

XIX асрда бунёд этилган қишлоқ масжиди



09:00 / 14.05.2021 2131

Наманган туманидаги Навбаҳор қишлоқ (собиқ Ғалча қишлоғи) масжиди XIX аср бошларида бунёд этилган ноёб меъморлик намуналаридан.

Масжид қурилиши Каримбой оқсоқол ташаббуси билан бошланган бўлиб, кейинчалик ҳожи Абдухалил Шоҳбой ўғли бино қурилишини давом эттиришга бош бўлган. Қурилиш ишлари дурадгор уста Убайдуллоҳ томонидан юксак маҳорат билан бажарилган. Ҳижрий 1324, милодий 1906 йилда масжид фойдаланишга топширилган.

Масжид миллий меъморчилик анъаналарига асосланган ҳолда моҳирона дид билан бунёд этилган. Унинг ички деворларига ганж ўймакорлиги билан куфий хатида оятлар битилган, ранглар билан жилоланган. Шунингдек, масжид ичига “Рамзий” таҳаллусли шоирга тегишли бўлган шеърӣ мисралар усталар томонидан насхатлик ёзувида битилган.

Афсуски, мафкуравий кураш оқибатида санъаткорона битилган нафис ўйма нақшли ёзувлар чопиб ташланган эди.

Истиқлол йилларида мазкур ёдгорлик қайта таъмирланиб, ободлик касб этди.

Манба: ЎЗА